

Золим харидорга ёрдам берилмайди



17:10 / 15.01.2019 3038

Савдогарларнинг муҳим одобларидан бири золим харидорга ёрдам бермасликдир.

«Золим харидор» сотиб олган нарсасини ҳаром ва гуноҳга ишлатадиган харидордир. Харидорнинг ҳаром ва гуноҳ ишлар учун нарса сотиб олиши маълум бўлса, билатуриб унга мол сотган савдогар гуноҳкор бўлади. Муслмон савдогар халққа, элга, ватанга зарар келтирадиган нарсаларини ўзи ҳам қилмаслиги ва ўзганинг қилишига ёрдамчи ҳам бўлмаслиги керак.

Қалбаки пулларни ишлатмаслик

Савдогарларнинг алоҳида аҳамият беришлари лозим бўлган ишларидан бири қалбаки пулларни муомалага киритмасликдир.

Гоҳида савдогарнинг қўлига қалбаки, ишлатилиши бекор қилинган, бошқа юртнинг кераксиз пулига ўхшашлар тушиб қолади. Ҳалол-пок тожир бундай пулларни муомалага киритиб юбормаслиги вожибдир. Агар у ушбу ишни қилса, бошқаларга зарар келтирган бўлади. Модомики ўша пул одамлар орасида юрар экан, тожирнинг гуноҳи кўпайиб бораверади.

“Бозор ва унга боғлиқ масалалар” китобидан